



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ҚАРОРИ

Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 23-моддаси, “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 8, 10, 11 ва 12-моддаларига мувофик, шунингдек фуқаролар йигинлари раисларининг ваколат муддати 2019 йилнинг май ойида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгashi

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари)нинг навбатдаги сайлови 2019 йилнинг май ойида ўтказилсин.

2. Навбатдаги сайловда 9 019 нафар фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайланиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

2019 йил май ойида фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси 1-иловага мувофик;

Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссиясининг таркиби 2-иловага мувофик;

фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови бўйича сайлов бюллетени намунаси 3-иловага мувофик тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, халк депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларига:

2019 йилнинг 1 мартаға қадар фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш;

хар бир депутатга ўз сайлов округида фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ташкил этишда фаол қатнашиш тавсия этилсин.

5. Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси аъзолари жойларда фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссияларига амалий ёрдам кўрсатсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йигинларига кўмаклашиш, зарурат бўлганда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсинг.

7. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлигига фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрсинг.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари томонидан ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этсин.

10. Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови якунлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиурсин ҳамда 2019 йил 10 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгасига ахборот берсин.

11. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринbosари С.Артикова зиммасига юклатилсин.

12. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 15 февраль,
№ КК-507-III.



Н. Йўлдошев

Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати Кенгашининг
2019 йил 15 февралдаги
КҚ-507-III-сонли Қарорига
1-илова

**2019 йилнинг май ойида фуқаролар йигинлари раислари (оксоқоллари) сайловини
ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижро чилиар
I. Тайёргарлик босқичи (фуқаролар йигини раиси (оксоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирлар)				
1.	Республика комиссияси йигилишини ўтказиш, комиссия аъзоларини худудларга бириттириш ҳамда уларнинг вазифаларини белгилаш	1. Республика комиссияси аъзолари йигилишини ўтказиш. 2. Республика комиссияси аъзоларини худудларга бириттириш. 3. Республика комиссия аъзоларига вазифалар таҳсимотини ишлаб чиқиш.	2019 йил 17 февралгача	Олий Мажлис Сенатининг Кенгashi, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофикалаштириш бўйича республика кенгаши
2.	Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар йигини раиси (оксоқоли) сайлови тўғрисида”ги Конунинг мазмун-моҳиятини маҳаллалар миқёсида тушунтириш	1. “Фуқаролар йигини раиси (оксоқоли) сайлови тўғрисида”ги Конун мазмун-моҳиятини маҳаллаларда тушунтириш мақсадида алоҳида режа-жадвал ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Хукуқшунос ва соҳа мутахассислари томонидан режа-жадвал асосида маҳаллаларда Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар йигини раиси (оксоқоли) сайлови тўғрисида”ги Конуни мазмун-моҳиятини тушунтириш.	2019 йил 25 февралгача	Олий Мажлис Сенатининг аъзолари ва Конунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофикалаштириш бўйича республика кенгаши, Фуқаролик жамияти шакланишини мониторинг килиш мустакил институти, ТДЮУ

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
3.	Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тавсиялар ва намунавий хужжатларнинг электрон тўплами лойиҳасини тайёrlаш	<p>1. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тавсиялар ва намунавий хужжатларнинг электрон тўплами лойиҳасини тайёrlаш.</p> <p>2. Тавсиялар ва намунавий хужжатлар тўплами лойиҳасини манфаатдор идора ва ташкилотлар билан келишиш.</p> <p>3. Келишилган тавсиялар, намунавий хужжатларнинг электрон тўпламини и Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар томонидан фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гурухларига (кейинги матнларда – Ишчи гурухлар) етказиш.</p>	2019 йил 1 марта	Республика комиссияси, Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти
4.	“Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Конуни мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш, аҳолини сайлов жараёнларида фаоллигини оширишга каратилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, ижтимоий роликлар ҳамда мақолалар тайёrlаш	<p>1. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича медиа-режа ишлаб чикиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, ижтимоий роликлар сценарийсини ишлаб чикиш.</p> <p>3. Тайёrlланган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, ижтимоий роликлар ва мақолаларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш.</p>	2019 йил 1 марта Медиа-режа бўйича	МТРК, ЭОАВМА, ЎзА, Республика комиссияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти
5.	Худудлар, фуқаролар йигинлари кесимида сайлов ёшига тўлган фуқароларнинг умумий рўйхатини шакллантириш	<p>1. Худудлар, фуқаролар йигинлари кесимида сайлов ёшига тўлган фуқароларнинг умумий сони ва рўйхатини шакллантириш бўйича сўровномалар юбориш.</p> <p>2. Сайлов ёшига тўлган фуқароларнинг умумий сони бўйича тўпланган маълумотларни умумлаштириш.</p>	2019 йил 1 марта	Республика комиссияси, Давлат статистика қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
6.	Фуқаролар йигинлари раислари (оксоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларини тузиш, комиссиялар йигилишини ўтказиш	<p>1. Фуқаролар йигинлари раислари (оксоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларини тузиш.</p> <p>2. Комиссия аъзолари йигилишини ўтказиш ва вазифаларини белгилаш.</p> <p>3. Комиссия аъзоларини туман (шаҳар)ларга бириттириш.</p>	2019 йил 1 марта	Республика комиссияси, Қорақалпогистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари
7.	Фуқаролар йигинлари раислари (оксоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссияларини тузиш, комиссиялар йигилишини ўтказиш	<p>1. Фуқаролар йигинлари раислари (оксоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссияларини тузиш.</p> <p>2. Комиссия йигилишини ўтказиш ва унда куйидаги масалаларни кўриб чиқиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - комиссия иш режасини тасдиқлаш; - комиссия аъзоларини маҳаллаларга бириттириш; - фуқаролар йигини раиси (оксоқоли) сайловини фуқаролар йигини йигилиши шаклида ҳамда фуқароларнинг вакиллари йигилиши шаклида ўтказишни кўриб чиқиш; - сайлов ёшига тўлган фуқаролар умумий сонининг камидаги ўн икки фоизи микдорида фуқаролар йигинлари кесимида вакиллик нормасини белгилаш; - Ишчи гурухларни тузиш бўйича фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши)ни ўтказиш жадвалини тасдиқлаш; - Ишчи гурухлардан фуқаролар йигини раиси лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни кабул қилиб олиш муддати ва тартибини белгилаш каби бошка масалаларни кўриб чиқиш. 	2019 йил 1 марта	Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши, Республика комиссияси, Фуқаролар йигинлари раислари (оксоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари, ҳалқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
8.	Фуқаролар вакилларининг йигилиши шаклида сайлов ўтказиладиган фуқаролар йигинларини аниқлаб олиш	Фуқароларнинг вакиллари йигилиши шаклида ўтадиган фуқаролар йигинлари рўйхатини шакллантириш ва сонини аниқлаш.	2019 йил 1 марта	Республика комиссияси, Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари
9.	Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови ўтказиладиган манзил ва объектларни аниқлаштириш ва рўйхатини шакллантириш	1. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови ўтказиладиган манзил ва объектларни аниқлаштириш. 2. Туман (шаҳар), фуқаролар йигинлари кесимида сайлов ўтказиладиган манзил ва объектлар рўйхатини шакллантириш.	2019 йил 1 марта	Республика комиссияси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
10.	Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш учун овоз бериш кабиналари, кутилар ва керакли анжомлар билан тъминлаш	Туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш учун зарур микдорда овоз бериш кабиналари, кутилар ва керакли анжомлар билан тъминлаш.	2019 йил 3 марта	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши
11.	Ишчи гурухларини тузиш юзасидан фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши)ни ўтказиш	1. Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари томонидан тасдиқланған жадвалга асосан фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши)ни чакириш тўгрисида кенгаш карорини қабул қилиш. 2. Фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши)ни ўтказиш ва унда кўйидаги масалаларни кўриб чиқиш: - Ишчи гурухини тузиш ва таркибини тасдиқлаш;	2019 йил 5 марта	Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари, шаҳарча, кишлок, овул ҳамда маҳалла фуқаролар йигинлари

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		<p>- фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари белгилаган вакиллик нормаси асосида сайлов ёшига тўлган фуқароларнинг умумий сонининг ўн икки фоизидан кам бўлмаган микдорида мавжуд кўчалар ва уйларга тақсимлаш;</p> <p>- Ишчи гурӯх аъзоларини худуддаги ҳовлилар, уйлар, кўчаларга биринтириш ҳамда фуқаролар вакилларини сайлаш бўйича умумий йигилишларини ўтказиш жадвалини тасдиқлаш;</p> <p>- фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари томонидан белгиланган вакиллик нормаси асосида худуддаги мавжуд ҳовлилар, уйлар, кўчаларга тақсимлаш;</p> <p>- сайлов ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш;</p> <p>- фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш каби бошқа масалаларни кўриб чиқиши.</p>		
12.	Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни ва ишчи гурӯхларини “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ва “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конун матнлари, конун ости ҳужжатлари киритилган тўпламни тайёрлаш.	1. Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни ва ишчи гурӯхларини “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ва “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конун матнлари, конун ости ҳужжатлари киритилган тўпламни тайёрлаш.	2019 йил 5 марта	Республика комиссияси, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижочилар
	(оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конун матнлари, конун ости хужожатлари киритилган тўплам билан таъминлаш	2. Тўпламни чоп этиш ва ҳудудлардаги кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гурухларига етказиш.		
13.	Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари ҳамда Ишчи гурухлар аъзолари учун семинар-тренинглар ўтказиш	1. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари ҳамда Ишчи гурухлар ишини ташкил этиш ўкув дастурини тайёрлаш ва тасдиқлаш. 2. Жадвалга мувофиқ ҳудудий семинар-тренинглар ташкил этиш ва ўтказиш.	2019 йил 5 марта	Республика комиссияси, Олий Мажлис Сенатининг аъзолари ва Конунчиллик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамияти шакланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари
14.	Сайлов бюллетенларининг намуналари ва шаклларини тасдиқлаш ҳамда сайлов бюллетенларини фуқаролар йигинларига етказилишини таъминлаш	1. Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши томонидан сайлов бюллетенларининг намуналари ва шаклларини тасдиқлаш. 2. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимлеклари томонидан сайлов бюллетенларини эҳтиёждан келиб чиқиб белгиланган тартибда чоп этиш. 3. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари томонидан сайлов бюллетенларини фуқаролар йигинларига етказилишини таъминлаш.	2019 йил 17 февралгача 2019 йил 25 апрелгача Сайлов кунидан камидан 5 кун олдин	Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлеклари

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
II. Асосий босқич (фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиши, сайлов якунларини чиқариш, ОАВда эълон қилиш)				
15.	Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш	<p>1. Ишчи гурӯҳи томонидан тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини инобатга олган ҳолда фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар бўйича таклифлар ва уларнинг хужжатларини тайёрлаш.</p> <p>2. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилигини илова килган ҳолда уларнинг хужжатларини туман (шахар) хокими билан келишиш учун тегишли комиссияга тақдим этиш.</p> <p>3. Туман (шахар) хокими томонидан уч кун муддатда фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига кўрсатилган номзодларнинг хужжатларини кўриб чиқиб, ўзининг асослантирилган хulosаларини ишчи гурӯҳларга топшириш учун тегишли комиссияга юбориш.</p> <p>4. Тегишли комиссия томонидан бир кун муддатда фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига кўрсатилган номзодлар бўйича туман (шахар) хокимининг асослантирилган хulosаларини ишчи гурӯҳларига етказиш.</p>	2019 йил 31 марта	Ишчи гурӯҳлар, Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари
16.	Фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши) ўтказиладиган сана, вакт ва жойни белгилаш ҳамда бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилиш.	<p>1. Тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларга фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш куни, вақти ва жойи ҳақида хабар бериш.</p> <p>2. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар ҳақидаги ахборотни</p>	Сайловдан камидан ўн кун олдин	Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман ва шахар комиссиялари, Ишчи гурӯҳлар

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар ҳакидаги ахборотни фуқаролар йигини биносига ва гузарларга осиб кўйиш ҳамда веб-сайтларга жойлаштириш	фуқаролар йигини биносига ва гузарларга осиб кўйиш. 3. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш, фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши) ўтказиладиган сана, вакт ва жой, фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар тўғрисидаги ахборотни Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофикалаштириш бўйича кенгашларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириш.		
17.	Туман ва шаҳарларда фуқаролар йигинлари кесимида фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш жадвалини тайёрлаш	1. Ишчи гурухлардан фуқаролар йигинларида сайлов ўтказиш куни, вақти, жойи ҳақидаги маълумотларни олиш ва умумлаштириш. 2. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари томонидан фуқаролар йигинлари кесимида сайловни ўтказиш жадвалини тасдиқлаш.	2019 йил 20 апрелгача 2019 йил 25 апрелгача	Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман ва шаҳар комиссиялари, Ишчи гурухлар
18.	Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш	Сайловни яширин овоз бериш орқали ўтказиш.	Жадвалга мувофиқ	Ишчи гурухлар, Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман ва шаҳар комиссиялари
19.	Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) такрорий сайловини ўтказиш	Конунда белгиланган ҳолларда фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) такрорий сайловини ўтказиш.	Сайлов ўтказилган кундан кейин 1 ой муддатда	Ишчи гурухлар, Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман ва шаҳар комиссиялари

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
20.	Республика комиссиясига ахборот тақдим этиб бориш, шунингдек, фуқаролар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш	1. Сайлов жараёни тўғрисида Республика комиссиясига ахборот бериб бориш. 2. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фуқаролар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш.	Хар хафтада Сайлов якунлари бўйича	Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари
21.	Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловининг якунларини чикариш, уларни умумлаштириш, кўриб чиқиш ва кенг жамоатчиликка етказиш учун Республика комиссиясига тақдим этиш	1. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари томонидан сайлов якунларини чикариш. 2. Сайлов якунлари тўғрисида ахборотни Республика комиссиясига тақдим этиш. 3. Республика комиссияси томонидан сайлов якунларини умумлаштириш ва кўриб чиқиш.	2019 йил 5 июнгача 2019 йил 8 июнгача	Республика комиссияси, Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар комиссиялари
22.	Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови якунларини жамоатчиликка етказиш	1. Сайлов якунлари бўйича журналистлар учун брифинг ташкил этиш. 2. Сайлов якунларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.	2019 йил 15 июнгача	Республика комиссияси, МТРК, ЭОАВМА, ЎЗА
23.	Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови ўтадиган объектларда хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда тез тиббий ёрдам хизматини ташкил этиш	1. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш жадвалига мувофиқ сайлов ўтадиган объектларида хавфсизликни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш. 2. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш жадвалига мувофиқ сайлов ўтадиган объектларида тез тиббий ёрдам хизматини ташкил этиш.	Сайловни ўтказиш жадвалига мувофиқ	Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
III. Сайловдан кейинги босқич (фуқаролар йигини органларини шакллантириш, раисларини ўқитиш, уларнинг инновацион ва ахборот технологиялари бўйича билимларини ошириш)				
24.	Фуқаролар йигини кенгашини шакллантириш, фуқаролар йигинлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва тафтиш комиссиясини сайлаш	1. Фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши)ни ўтказиш. 2. Фуқаролар йигини кенгашини шакллантириш. 3. Йигин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва тафтиш комиссиясини сайлаш.	Сайлов натижалари бўйича 1 ой давомида	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика ва ҳудудий кенгашлари, шахарча, кишлоқ, овул ҳамда маҳалла фуқаролар йигинлари
25.	Фуқаролар йигинлари раислари (оксоқоллари) учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкилий-хукукий асослари, раисларнинг хукук ва мажбуриятларини тушунтириш ва амалиётда қўллаш бўйича ўкув-семинарлар ташкил этиш	1. Фуқаролар йигини раиси (оксоқоли)ни маҳалла фаолиятига оид билим ва малакасини ошириш бўйича ўкув-семинарлар дастурини ишлаб чиқиш. 2. Ҳудудларда ўкув-семинарларини алоҳида режа асосида ташкил этиш ва ўтказиш.	2019 йил 15 июнгача 2019 йил 1 июлгача	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, “Маҳалла зиёси” республика ўкув услугий маркази, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
26.	Фуқаролар йигинлари раислари (оксоқоллари)ни инновацион билимларини ошириш мақсадида семинар-тренинглар ўтказиш	1. Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда фуқаролар йигини раиси (оксоқоли) учун ўкув дастурини ишлаб чиқиш. 2. Ҳудудлар кесимида семинар-тренинглар ўтказиш жадвалларини тасдиқлаш. 3. Ўкув машгулотларини алоҳида режа асосида ташкил этиш ва ўтказиш.	2019 йил 30 июнгача 2019 йил 20 июлгача	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Маҳалла зиёси” республика ўкув услугий маркази, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
27.	Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари)ни ахборот коммуникация технологиялари бўйича билимларини ошириш	<p>1. Ахборот коммуникация технологиялари вазирлиги билан биргаликда фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) учун ўкув дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Худудлар кесимида семинар-тренинглар ўтказиш жадвалларини тасдиқлаш.</p> <p>3. Ўкув машғулотларини алоҳида режа асосида ташкил этиш ва ўтказиш.</p>	<p>2019 йил 20 июлгача</p> <p>2019 йил 20 августгача</p>	<p>Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ахборот коммуникация технологиялари вазирлиги, “Маҳалла зиёси” республика ўкув услубий маркази, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>

Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати Кенгашининг
2019 йил 15 февралдаги
КҚ-507-III-сонли Қарорига
2-илова

**Фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) сайловини ташкил
этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси**
ТАРКИБИ

Комиссия раиси

1. Йўлдошев Нигматилла
Тўлқинович

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Раиси

Комиссия раисининг ўринбосарлари

2. Артикова Светлана
Баймирзаевна
3. Жавлонов Шавкат
Сардорович

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати Раисининг ўринбосари
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
фаолиятини мувофикалаштириш бўйича
республика кенгashi раисининг биринчи
ўринбосари

Комиссия аъзолари

4. Матмуратов Ботир
Джолдасович
5. Сайдов Акмал
Холматович
6. Мадумаров Толибжон
Абдумаликович
7. Куранбаев Каҳрамон
Кучкарович
8. Нарбаева Танзила
Камаловна
9. Салиев Олим
Адилович

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Конунчилик ва суд-хукуқ
масалалари кўмитаси раиси
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Демократик
институтлар, нодавлат ташкилотлар ва
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари кўмитаси раиси (келишувга кўра)
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Конунчилик ва суд-хукуқ
масалалари кўмитаси раиси ўринбосари
- Ўзбекистон Республикаси Президенти
маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари –
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий
кенгashi раиси, сенатор (келишувга кўра)
- Ўзбекистон Республикаси Боз вазирининг
ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар
кўмитаси раиси (келишувга кўра)
- Ўзбекистон Республикаси Президенти
маслаҳатчисининг ўринбосари (келишувга кўра)

- 10. Курбанкулов Суяржон
Машарифович
 - 11. Ташмухамедова
Дилорам Гафурджановна
 - 12. Артикходжаев Жахонгир
Абидович
 - 13. Азизов Худойкул
Тожиевич
 - 14. Ташкулов Акбар
Джурабаевич
 - 15. Кўчимов Абдусаид
Кўчимович
 - 16. Хаджаев Алишер
Джуракулович
 - 17. Камилов Рустам
Туйчиевич
 - 18. Рафиков Кудратилла
Мирсагатович
 - 19. Джалилов Шухрат
Илхамович
 - 20. Юсупов Сайд-Абдулазиз
Камолиддинович
 - 21. Кадиров Алишер
Келдиевич
 - 22. Махбубов Дилшод
Муминович
 - 23. Бобоев Абдураҳмон
Бобоевич
- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директори, сенатор
 - Тошкент шаҳар ҳокими, сенатор
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси биринчи проректори (келишувга кўра)
 - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринbosари
 - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори
 - Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи
 - Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори (келишувга кўра)
 - Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси
 - Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини кўллаб-куватлаш “Нуроний” жамғармаси бошқаруви раиси
 - Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори вазифасини бажарувчи
 - Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари
 - Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раисининг ташкилий ишлар ва услубий масалалар бўйича ўринbosари
 - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девонининг Ташкилий-назорат бўлими мудири ўринbosари – комиссия масъул котиби

Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати Кенгашининг
2019 йил 15 февралдаги
КҚ-507-III-сонли Қарорига
З-илова

НАМУНА

Андижон вилояти Асака туманинаги “Бўстон” маҳалла фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови бўйича **САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ**

2019 йил ____ май

Расм учун жой	Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган йили	Ўзингиз ёқлаб овоз берадиган номзоднинг фамилияси каршисида жойлашган бўш катакка “+”, “✓” ёхуд “x” белгиларидан бирини қўйинг
	АБДУЛЛАЕВ ТОХИР САМАДОВИЧ, 1965 йилда туғилган	
	БУРХНОВ НОДИРБЕК ҚОСИМОВИЧ, 1960 йилда туғилган	
	ЖУРАЕВ БОТИРЖОН ЗАРИПОВИЧ, 1963 йилда туғилган	
	МУРОДОВ АБДУЛЛА АЗИМОВИЧ, 1970 йилда туғилган	

Агар бюллетеннинг ўнг томонида жойлашган биттадан ортиқ бўш катакка “+”, “✓” ёхуд “x” белгиларидан бири қўйилган ёки бўш катакларнинг биронтасига бундай белгилардан бири қўйилмаган бўлса, сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб хисобланади.

Изоҳ: Ҳар бир бюллетеннинг орқа томонига ишчи гуруҳи раҳбари ва бир аъзоси ҳамда фуқаролар йигинига бириктиришган тумани (шаҳар) кўмаклашувчи комиссияси аъзосининг имзолари қўйилиб, фуқаролар йигинининг муҳри қўйилиши лозим)